Тўлан НИЗОМ



## ТОҒЛАРГА ҚОР ТУШИБДИ...

Тоғларга қор тушибди,
Кўнгилга ёр тушибди.
Қай куни тақдиримга
Ул тақдирин қўшибди.
Тоғларга қор тушибди,
Пастда сойлар
жўшибди.
Сирлашайлик, кела
қол,
Ваъда қачон пишибди?!

Тоғларга қор тушибди,
Қалбга ўт илашибди,
Ёз сўрасам, дебди куз.
Баҳор десам, қиш
дебди.
Тоғларга қор тушибди,
Юракка ёр тушибди.
Ишқ элининг бошига
Бир мушкул кор
тушибди.

## ТОҒДА АЙТИЛГАН ҚАДАҲ СЎЗИ

Келинг, кўтарайлик шу тоғлар учун!
Тоғлар бағридаги гул—боғлар учун!
Нурдан ҳам югурик ирмоқлар учун!
Тошқин сойлар учун! Булоқлар учун!
Келинг, кўтарайлик бургутлар дея!
Бургутдай бўл деган ўгитлар дея!
Юксаклик, олийлик, ҳудудлик дея!
Қуёшдай ёп-ёруғ умидлар дея!
Келинг, кўтарайлик тинч-омонлик деб!
Пойидор халқимиз шараф-шонлик деб!
Эркинлик деб! Бахт деб! Ҳур замонлик деб!
Чоҳларга тиқилсин ҳар ёмонлик деб!

## ҚАЙТИШ

Кимдир қонли жангдан қайтади омон,
Узоқ бир сафардан келар яна ким.
Гоҳо кетган бахт келади, ишон,
Фақат қайтмас, қайтмас дарёда оқим.
Яшноқ баҳор қайтса, кўкни тўлдириб,
Яна учиб келар қушлар, турналар.
Яна кетар кузда кўзни куйдириб,
Кетмоқдан ўксиниб кўнгил тирналар.
Мен ҳам бугун қайтиш қабилин тутиб,
Алдоқ ҳисларимни кўмаман ерга.
Бевафо ишқини — тамом унутиб,
Бутун ҳаётимни бераман шеърга.

* * *

Қизим ГУЛШОДга

Синчков назар ташла тупроққа,
Ва мусаффо осмонга тикил—
Дарё сўзи кирсин қулоққа,
Тоғлар билан тўлиб гаплашгил.

Ҳавасларга дил қўйма мутлоқ,
Меҳнат бўлсин сенинг
йўлдошинг.
Қаламингдан қўлларинг қадоқ,
Тошдан бўлсин бу азиз бошинг.

Гоҳо улуғ сафарларга чиқ,
Чарчамасдан юргил пиёда.
Денгизларда синаб кўр қайиқ,
Тўғри яша ёруғ дунёда.

Мозорларда сақлагил сукут,
Тирикларга айлагил таъзим.
Ҳамма нарса бўлади унут,
Сенинг номинг ўчмайди, қизим.

Шундай яша ёруғ дунёда,
Бахтинг бўлсин элда зиёда.

Матназар АБДУЛҲАКИМОВ

## ҚЎШИҚ

Мени ёна-ёна севганда,
Айриликқа бўлганча маҳбус
Муз ташлаган оташ меҳрингга
Қаердадир кимдир айтган сўз.

Ишонаман, йўлга чиққансан
Келмоқ истаб қошимга дарров.
Лекин сени тўхтатиб қолган
Қаердадир кимдир қўйган ғов.

Сўнг бир қушдан жўнатгансан
хат,
Мумкин эмас ёзмаслигинг, йўқ.
Фақат ўшал қушни ўлдирган
Қаердадир кимдир узган ўқ.

Бу ёғига сен хотиржам бўл,
Бу ёғига ҳаловатинг нақд...
Сени мендан қутқариб қолгай
Қаердадир кимдир берган бахт.

## КУТГАНЛАРИМ

Не-не умид билан кўз тутдим,
Кутганларим бўлди уволлар.
Мен ақлдан озмай кетаман,
Мажнун бўлиб қоласиз, толлар.

Шиша эмас, тош эди кўнглим,
У бари бир синди. Билмайсиз.
Йўл бўйида тураверасиз,
Йўл бўйидан сира жилмайсиз.

Телбаларим! Наф йўқ, санаманг
Ҳар қайси бир аср кунларни...
У бошқага олиб ўтади
Менинг учун ўсган гулларни.

* * *

Оддийгина осмон остида,
Оддийгина шу замин узра
Бетимсол бир қиз яшайди деб
Ишонгинг ҳам келмайди сира.

У қиз эса яшайди, ана,
Йўлиқасан гоҳ эрта, гоҳ кеч.
Ҳар кун, ҳар кун уни кўрасан,
Ғафлат қурсин, танимайсан ҳеч.

Тани... Фақат таниб олсанг бас,
У қиз маъюс ўйга толади
Ҳамда сени, оддий ўзингни
Бир кун қаттиқ севиб қолади.

Шундай қаттиқ севадики, у
Яшолмайди сенсиз бир замон.
Мўъжизага айланади ер,
Мўъжизага айланар осмон.

Сўнгра термулмайсан, чақнайсан,
Айтилмас, йўқ, ёнади сўзинг.
Мўъжизага айланиб кетиб
Танимайсан Ўзингни ўзинг.

Юрагингга неки зид бўлса,
Бўлар инкор, бўлиб кетар рад.
Қарабсанки, турган-битганинг
Бахтдан, фақат бахтдан иборат.

## МЕН ЯРАТГАН ДУНЁ

Хоразм театрининг рассоми
Отахон Оллоберғановга

Ерда тирикчилик,
юракда ҳаёт
кечирар инсонлар...

Мен шуни туйдим.

Саҳнадан юракка кўчиб
ўтсинлар —
актёрларга дунё яратиб қўйдим.

Шу дунёда
барпо қилиб қўйдим мен
сўлим гўшаларни
меҳр-муҳаббатга.
Ажаб эмас
мен яратган муваққат дунё
шодликка айланса,
айланса дардга.

Шу дунё кўкида ой, офтоб яратиб
ерга эса
турфа гуллар экдим мен.
Саҳна эмас,
ҳаёт деб англадим уни,
азиз дўстларимнинг
ғамин чекдим мен.

Бу ерда барқарор
табаррук зотлар,
фаришталар бордир,
гоҳ — шайтонлар ҳам.
Овлоқ масканлар бор
ёр васли учун
ва, афсуски,
бордир... жанг майдонлар ҳам.
Талон-тарож учун
ёпирилса ёв
дўстлар қалқонларим ҳимоясида.
Кун тиғида ишлаб толишса,
бирров
мен ясаган дарахтлар соясида
дам олишар...

Мен-чи,
креслода жим
чекаман...
тамаки эмас,
йўқ, азоб.
Қани энди



мен яратиб қўйган дунёда
ҳамма ҳалол бўлса,
ҳамма бўлса соф.
Ҳамлетга қийинмас —
шпага санчар.
Отабекка осон —
қўлида ханжар.
Отелло
рашк,
ёвуз маккордан панд еб,
ёрни бўғиб,
ўзи ўтар оламдан.
Мен-чи,
доғулилар мағлуб бўлсин деб
оламан аламимни
мўйқаламимдан.
Бўлмасин деб
ёғду зулматга бахна
рангни жангга солдим,
тополмагач сўз.
Севиб,
нафратланиб бўядим саҳна,
бахтлиман —
ҳеч қачон бўямадим кўз.

Яратиб қўйганим дунёни,
дўстлар,
юракдан кечиринг,
кечирманг кўздан.
Менга ҳамдард бўлинг
қутқариб ўзни
томошабин деган
бачкана сўздан.

Саҳна ҳам
ҳаётдек менга муқаддас.
Бу ердан сочади
эътиқодим нур.

Юракда
эзгулик ғолиб бўлса бас.
Актёр дўстларимнинг нигоҳи
билан
энтикиб
мен сизга боқаман мағрур.

Зиёдулла НУРМАТОВ

* * *

О, кўзларим боғлиқми
эди?
Нафосатдан йироқ
эдими?
Кўзларимни очдингми
энди,
Ё дунёга энди
келдимми?

О, шунданми бошланар
ҳаёт,
Шул эрурми саргузашт
боши;
Севги дея қўйишганми
от,
Эъзозлашиб ҳаёт
наққошин?

# ШЕЪРИЯТ



Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ

## ДУНЁНИНГ РАНГИ

ТУРКУМДАН

### «НОМАЪЛУМ АЁЛ»

(тугалланмаган асарга ёзув)

Мўйқалам ортидан йиғлаб қолди ранг,
У эса бепарво кетди йироқлаб.
Оламни қамради битмаган оҳанг,
Ранглар ўртанади сени сўроқлаб.
Қўйлакни билинар-билинмас туртган
Дуркун кўкракларда қолди латофат.
Кўзларинг сеҳрини зор бўлиб кутган,
Рассоминг армонга йўлиқди фақат.
Оқ сурпнинг устига тортилган чизиқ
Нафис лабларингнинг бўлажак изи.
Сен—бошсиз фаришта, битмаган қўшиқ,
Яхлит битилмаган гўзаллик рамзи.
Ранглар йиғлаяпти, ўртаниб беун,
Битмоққа қўймади замон шитоби,
Шундай бўлган эди, шундайдир бугун,
Ҳаёт, бу—битмаган ҳасрат китоби...

### «ВОЛГАДАГИ БУРЛОҚЛАР»

Тинмасдан изладим шодликнинг рангин,
Лекин тополмадим ёрқинроқ тасвир.
Оқ, қизил, зангори шуълалар ғамгин,
Соф рангни тополмай куяди бағир.

Қирнинг этагида ёнган қизғалдоқ
Юрагим қонидан бўлган қирмизи.
Ҳатто оқ тонглар ҳам тонгдек эмас оқ,
Тонгларнинг бағрида қонларнинг изи.

Зангори осмон ҳам эмас мусаффо,
Бағрида кезади булут карвони.
Ўзининг рангини излайди само,
Ўзлигин тополмай ҳалакдир жони.

Ғамгин бўёқларни қоплаган ғубор,
Топмадим дунёда покиза хилқат.
Қалбимни ўртаган мудҳиш ва маккор
Армоннинг рангини чизаман фақат.

### «ЧЎМИЛАЁТГАН АЁЛ»

Булут ўрламоқда қаватма-қават,
Қуёш нурларини юлқилаб, узиб.
Шабада қитиқлар сувнинг
мавжларин
Сокин тўлқинларнинг уйқусин бузиб.

Ана, қирғоқдаги кекса қарағай
Бир дона баргини тўкди ноилож.
Биллурдек танамнинг қурманасига,
Она табиат ҳам тўлади хирож.

Лекин сиз—эй ўзим яратган банда,
Бунда термулдингиз менга беибо.
Ялиниб-ёлбориб, сўрайман сиздан
Суқли боқиш билан бўлманг маҳлиё.

Бегона кўзлардан қизғанинг мени,
Ахир, мен аёлман, сингилман, қондош.
Ҳуркак кўзларимда кезар илтижо,
Беаёв хўрликка беролмай бардош.

Худди қалбим каби мусаффо сувга
Бир нафас, бир лаҳза кўмилмоқчиман.
Сўқир нигоҳларнинг изини ювиб,
Поклик уммонида чўмилмоқчиман...

Зоир МАМАЖОНОВ



# ТОҒЛАБ БОРАЁТГАН ЖАРРОҲ

ҲИКОЯ

ЖАРРОҲ Зуннунов тоғлаб боряпти.

Йўл қуюқ туман. Беш-олти одим нарини кўриб бўлмайди. Шундай бўлса-да, машина фараларини бемалол ёқиб боряпти. Зуннунов бу йўлларнинг ўр-қирларигача, муюлишларигача, ҳатто қаерда тоши борлигигача яхши билади. Қатнайвериб, бу йўл унга ёд бўлиб кетди. У кутилмаганда фара нурларида қор учқунларини кўрди. Майда-майда учқунлар ўйнаб-ўйнаб учяпти. Демак, ҳадемай қор гупиллаб уради.

Тезликни ўттизга туширди. «Юқорига чиқсамми, шу ердан қайтсамми? Юқори хавфли. Тоққа қор кўп ташлайди».

У машинани йўл четига тўхтатиб, учқунлар ўйинига тикилиб қолди. Радиони буради. «Машъал» қисқа ахборотлар беряпти. У дикторнинг «Сурхондарё областидан олинган хабар», дейиши билан сергак бўлди. Бойсуннинг Сайроб қишлоғидаги қадимий чинорлар давлат ҳимоясига олинибди экан.

Унинг чеҳраси ёришиб кетди. Хушнуд бир кайфиятда бармоқларини қирсиллатди. О, деди ўзига ўзи. Сайроб чинорлари, мана бу туман ортидаги тоғлар кўз олдига келди. Хаёли мактабдош дўсти билан бўлган можарога кетди. Ўшанда ошнаси қулочини кенг очиб:

— Бу тоғлар, бу арчалар меники. Дўхтирлигинг ўзингга, — дея хитоб қилди.

Ҳар томондан ўйлаб кўрганида, ўзидан ўтди. Холдор номардлик қилмади. Бир марта ундан сўрамай-нетмай арча кесиб қайтганида индамади. Кўриб-кўрмаганликка олди. Кейинги марта унинг ўзи ошириб юборди. Эгнига милтиқ осиб арчазорларни бемалол оралаб юраверди. Икки марта ўқ бўшатди. Ўқнинг варанглаган овози еру кўкни ларзага солгандай бўлди. Зуннунов завқ билан номини ўзи билмайдиган икки қушни уриб туширди. Қаёқдан чиққанини билмайди, бир пайт қараса, қаршисида ўрмончилик ходими кийимидаги бир киши турибди. У Зуннуновнинг мактабдош дўсти Холдор эди.

— Хўш, врач Зуннунов! — Холдор овозини бир поғона кўтариб буйруқ қилди. — Ташлангчи милтиқни жойига!

— Милтиқнинг жойи қаер?

— Билмасанг, биз биламиз жойини. Чунки биз милтиқ билан курашувчи одаммиз-да!

Холдор милтиққа қўл чўзиб келди. Зуннунов буриларкан деди:

— Бундай одамга ўхшаб гаплаш, Холдор! Нима демоқчисан ўзи? Хаёлинг жойидами?

— Хаёлим жойида. Демоқчиманки, дўхтирлигинг ўзингга. Бу ерларга катталигинг кетмайди. Учсанг ҳам бориб шаҳрингнинг осмонида уч, катталигингни кўтарадиган жойига қил демоқчиман. Тушундинг?! Энди бу қулоғинг билан эшит! Бир марта арча кесиб кетганингда индамадим. Бугун жониворларни қийратсанг ҳам кўзимни юмиб турайинми? Тушун, бу ер сенга балнисанг эмас.

— Уни-буни қўй! Нега энди вазифамни бунчалар пеш қилаяпсан? Дўхтирлигим сенга нима қилди?

— Вазифанг зўр учун гердайиб келгансанда бу ерга. Бошқа одам бу номаъқулчиликни қилишга қўрқади. Сенлар зўр! Дамингга зоғора пишади. Одамлар қўрққанидан пораям беради.

— Ҳаддингдан ошма, Холдор! — Зуннунов қичқириб юборди. — Ўлай агар пешонангдан отаман.

Холдор Зуннуновнинг важоҳатидан қўрқиб нари кетди.

...Жарроҳ Зуннунов тоғлаб боряпти.

Кейинлар Зуннунов бу можарони кўп эслади. Ҳар хил мулоҳазаларга борди. Холдорнинг муносабати ёмонлашгани сабабини баъзан тушунгандай бўлди, баъзан тушунмагандай. Ўзиям ўрта мактабни тамомлагач, узоқ йиллар учрашишмай, бегоналашиб кетишди-да! Институт каникулларига келганида ҳам у Холдорни изламади, Холдор уни. Уни ўрмон хўжалигига ишга кирганлигини бир эшитгандай бўлувди. Районга ишга келгандан кейин ташвишларга баттар кўмилиб қишлоққа жуда кам, тўй-маърака муносабати билангина вақт-бемаҳал келиб кетар эди.

Нима бўлгандаям Холдорнинг бундай юз ўгириши Зуннуновга кутилмаган ҳодиса бўлди. Мабодо Холдор бирор сабаб билан касалхонага қатнаган бўлсаю Зуннунов уни танимаган ёки пайқамай ёнидан ўтган бўлса эҳтимол. Бўлиши мумкин. Районда ўзи қизиқ. Одамлар борки, узоқ-узоқдан бир-бирларига зимдан қараб олишади. Ёнма-ён келганда эса бир-бирларини пайқамагандай, ўзларини эркин ва мағрур кўрсатиб ўтиб кетадилар.

Зуннунов ўзини койийди: «Ён берсанг бир газ чўкиб кетармидинг ўшанда? Бу дунёда ҳар ким ўзини мен, айтганим айтган, деганим деган, чидасанг шу, чидамасанг, бор қўлингдан келганини қил дейди».

Яна бегона ташвишларни ўйлаганда ижирғанади. Бўлмаса арча унга нима зарур эди. Янги йилни тоғ арчаси ёнида кутишни касалхонанинг қайси ходими таклиф қилган бўлса, ўшанинг ўзи топиб борсин эди.

Тағин қарангки, Холдор билан юз кўришмасликнинг сира иложи йўқ. Зуннунов бу ўрлардан ажрала олмай қолди. Тўлиб, тошиб, ҳеч ерга сиғмайдиган бўлаверса ўзини тоғ бағрига отгудек бўлиб келади. Мангу қор музликларига узоқ-узоқ тикилади. Новвот нусха чўққилар пойидаги қишлоқларда ўтган болалик йилларини эслайди.

Зуннунов энди эсласа, Холдор болалигида ҳам мерган тоғасига эргашиб юрарди. Бошига дарс кирмасди. Қояларнинг номларигача айтарди: Қароқчи, Қўйқўшоқ, Олмалиқ, Намозгоҳ... Узуқ-юлуқ ривоят ва ҳикоятларини сўзлаб ўтирарди: «Олмалиқда ёввойи тоғ олмаси кўп. Қўйқўшоқда бир отар қўй тошга айланган. Намозгоҳ одамлар бехавотир намоз ўқиб қўниб ўтган жой». Мактабга қучоқ-қучоқ олқор олиб келарди. Унинг хушбўй ҳиди бугун хоналарни тутиб кетарди. Буни баланд қорли қояларнинг бўртиб турган пайрахасимон това-тошлари соясидан териб келганлиги тафсилотларини сўзлаб берарди. Ердан сирач ўтидай боши парда билан ўралиб-ўралиб чиқишини таърифларди.

Зуннунов буларни ўйлаган сайин ўзини кичрайиб қолгандай сезади. «Юрамизда, спирт ҳиди анқиб турган хоналарнинг унисидан бунисига, бунисидан унисига ўтиб, катталик қилиб», деб ич-ичидан ўртаниб кетади. Энди бўлса умрининг ҳам саноқли кунлари қолибди...

ЖАРРОҲ Зуннунов тоғлаб боряпти.

Зуннунов ўтиб кетар деб парво қилмади. Касбдошлари ҳам аввалига «Дард жонини пулга сотиб олганми сизга ҳазиллашиб», деб кулишди. Зуннуновнинг ичмаслиги ва чекмаслигига шаъма қилишди. Ренген тасвирини кўришгач, нафаслари ичига тушди: ўпкада шиш!.. Медицина марказлари ҳам деярли умид бағишламади. Дард ҳам ҳар хил кечар экан. Зуннуновнинг бирор жойи жонини оғритиб оғримайди. Фақат кун сайин дармонсизланиб боряпти. Сал нарсага тоқатсизликка тушади. Эти қочиб, озғинлашяпти. Ўқтин-ўқтин йўталганда қон аралаш балғам лўнда бўлиб келади. Зўриққанидан пешоналарини жимирлаб тер босади.

У ўзини тоғлар билан чалғитди, овутди. Якшанба кунлари тоққа чиқиб кетадиган бўлди. Бировга билдирмади. Студентлик йилларини эслади. Студентликда шоиртабиат дўсти ҳиргойи қиларди:

**Барча тасодифни ўчирсанг агар,**
**Шунда сен кўрасан—бу ҳаёт гўзал...**

Бир куни бош врач чақириб шундай деди:

— Ўртоқ Зуннунов, сизга маслаҳат бор. Хўп десангиз уйингиз ёнидаги поликлиникага ишга ўтказсак. Шарт эмас у ерга вақтида келиб, вақтида кетишингиз.

— Нима, ишдан ҳайдамоқчимисиз?

Бош врач кўзларини олиб қочди.

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман, — ўтинган оҳангда деди у.

— Очиқ айтингда.

— Бизнинг мақсадимиз сизни четлатиш эмас. Бу ҳозир фақат иккаламизнинг орамиздаги гап.

— Майли, шунча йил ишлаб энди ортиқчалик қилаётган бўлсам кетаман. Ҳайдаш шарт эмас. Ўзимнинг оёғим бор.

— Йўқ, йўқ... Ундай эмас. Бу сизга яхшилик қилиш маъносида. Қулайлик маъносида.

Зуннунов ҳаммасига тушунди. Аммо англамаганликка олди. Ўзини хотиржам одам ҳис қилди.

...Жарроҳ Зуннунов тоғлаб боряпти.

Беморлардан бири санитарка жувоннинг қўполлигидан шикоят қилди. Бўлим мудири сифатида масалани аниқлади. Бемор ҳақ. У йиғилишда «Қанақа аёлсиз ўзи, муомалаям шундай бўлибдими», деб ранжиди ва ҳайфсан эълон қилди. Сўнг, бир оғир ётган бемор палатасига кирди. Хона ҳавоси юришсин учун эшикни қия очиб қўйди. Бемордан ҳол-аҳвол сўради. У ёқ-бу ёғини текшириб кўрди. Шунда ич-ичидан зил кетди. Бемордан умид йўқ.

Шу пайт коридордан:

— Оёғи гўрнинг лабида турибдию, берган ҳайфсани нима бўларди, — деган овозни эшитди.

Зуннунов чаён чаққандай сапчиб турди. Эшикни ланг очиб қараганида коридорда кетаётган санитаркани кўрди. Изидан чақирди:

— Синглим, менга бир қарашиб юбормайсизми?

Санитарка ялт этиб изига қараб, жойида қотиб қолди. Қайтишиниям, йўлида кетишиниям билмай тараддудланди. Ниҳоят, қайтишга мажбур бўлди. Зуннуновнинг изидан хонага кирди.

— Ўтиринг, — Зуннунов унга курси кўрсатди.

Санитарка омонат ўтирди. Зуннунов ўзини мажбурлаб илжаяр, лекин ранги оқарган сайин оқариб борарди.

— Ҳали йиғилишда ҳайфсан берганим учун мендан хафа бўлмадингизми?

— Йўқ, нега энди?

— Мабодо ранжиган бўлсангиз, кўнглингиздан чиқариб ташланг. Хизматчиликда бўлади. Иш бор, яхши гап бор, ёмон гап бор. Эртага мен ҳам ҳайфсан олишим мумкин. Бунақанги майда-чуйда гапларга парво қилманг. Хў-ўш, айтингчи синглим, ким айтди сизга мени ўлади деб?

Санитарканинг ҳам юзлари оқариб кетди. Кафтлари билан юзларини яширди.

— Мен.. ундай деганим йўқ.

Зуннунов жилмайишга ҳаракат қилса-да, овози титраб чиқди:

— Ундай деманг, синглим. Одам одам билан тирик. Мен ўлмайман. Ҳали ёшман. Эндигина қирқ иккига кираяпман. Ҳали кўп яшайман. Чунки, соппа-соғман-да. Ҳеч қаерим оғримайди. Отдайман. Ким айтди, врач касал бўлади деб? Врачлар ҳамиша соғлом бўлади. Улар одамни даволайди.

— Вой, доктор Зуннунов, қачон айтибман?

— Ҳаяжонланманг. Ё, мана бу беморни айтаябсизми? Унда жудаям янглишибсиз. У киши шу яқин кунларда отдай бўлиб оёққа туради. Ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетади. Бола-чақаларининг олдига боради. Уларнинг бошини силайди. Кўриб турибсиз, бу киши ҳам, мен ҳам узоқ-узоқ яшаймиз.

Зуннуновнинг гапи шу ерга келганида санитарка хонадан отилиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай, коридорнинг нариги бурчидан йиғи эшитилди. Зуннунов текширишни тамомлаб, шошиб чиқди. Борса, коридорда ўтирган навбатчи ҳамшира бир варақ қоғозга қараб ўтирибди.

— Нима гап? — хавотирланиб сўради Зуннунов.

— Билмайман. Санитарка манави аризани



ёзиб кетиб қолди. Нима бўлди десам, қуриб кетсин бундайин ишлар, энди қайси юз билан ишлайман, деб йиғлаб кетиб қолди.

ЖАРРОҲ Зуннунов тоғлаб боряпти.

Кўзларидан шашқатор ёшлар қуйилди.

Зуннунов деразадан қаради. Қайтаргани кеч бўлган — санитарка касалхона дарвозаси олдида юзига рўмолчасини босиб йиғлаб кетарди. Зуннунов бирор кун санитарканинг уйига одам юборишни кўнглига тугиб қўйди. Ўзини жуда ёмон сезди. Якшанба куни бўлмаса ҳам, ҳаво ёмон бўлса ҳам машинасига ўтирди. Ёқа тугмаларини ечиб чуқур-чуқур нафас олди. Қор ҳамон учқунлаяпти. Афтидан ёғмайди. Ёғса шу пайтгача ёғарди.

У йўлида давом этди. У ҳадемай манзилга етиб боради. Манзил туман ичида. У ерда улкан, бағри кенг тоғ бор, оппоқ қорга бурканган тоғ бор. У тоққа қараб юради. Машинаси, аниқроғи бир парча темири пастларда қолиб кетади. У тоғ билан юзма-юз бўлади. Энтикиб-энтикиб нафас олади. Қўлларини чўзади. Тўғри келган биринчи қорсиз чўққига чиқади. Қоматини тик тутади. Шунда... Шунда... бўйини тоғ билан баравардек ҳис этади. Қучоғини кенг очади. Назарида... Назарида... бағри, унинг бағри тоғ бағри билан тенгдай бўлиб кўринади. Шу нафас, шу бараварлик билан изига қайтади...

Жарроҳ Зуннунов тоғлаб боряпти.



Расмни Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган.

ПРОЗА

